

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ШАРҚ ТИЛЛАРИДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Sherboyev Nosir Anorboy o'g'li

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti,

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti o'qituvchisi

Аннотация. Мақолада инглиз тилига шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг ушбу тилга ўзлашиш жараёни, уларнинг ўзлашиш тарихи, уларда рўй берган лексик-семантик ўзгаришлар, инглиз тилига қандай маъно ўзгаришларини олиб кирганлиги ҳақида фикрлар баён этилган. Шунингдек, мақолада олимларнинг тилшуносликдаги ўзлашма сўзлар атамасига доир фикр ва мулоҳазалари баён этилган. Инглиз тили луғати таркибида Шарқ тилларидан (форс, араб ва бошқ.) келиб чиққан сўзлар ҳам анча қисмни ташкил этади. Авваламбор, мақолада биз икки тушунчани бир-биридан фарқлай олишимиз зарурияти ҳақида мулоҳазаларимизни баён этганмиз: “ўзлашиш манбаси” ҳамда “ўзлашиш келиб чиқиши”. Биринчи тушунча бу инглиз тилига сўз берган тилдир. Иккинчи тушунча эса инглиз тилига сўз берган тилнинг белгилари қолган тилдир.

Хулосада эса сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўзлашиши жараёнига сабаб бўладиган омиллар ва сабабларни ёзилган бўлиб, уларга сабаб бўладиган ўндан ортиқ омиллар мисоллар билан ёритилган.

Калит сўзлари: ўзлашган сўзлар, ўзлашиш манбаси, ўзлашиш келиб чиқиши, ўзлашув, лексик фонд, семантик майдон, калька, ярим калька, экотизм, композит, рецептор, тил.

Аннотация. В статье описан процесс ассимиляции слов из восточных языков в английский на этот язык, история их ассимиляции, лексико-семантические изменения, произошедшие в них, взгляды на то, как английский язык подвергался значения-изменениям. В статье также излагаются взгляды и комментарии ученых по поводу термина ассимиляция в лингвистике. В

словаре английского языка он написан с восточных языков (персидский, арабский и т. д.) слова происхождения также составляют довольно большую часть. Прежде всего, в статье мы изложили свои соображения о необходимости по-разному воспринимать два понятия: "источник самореализации" и "источник самореализации". Первое понятие - это язык, на котором это слово произносится по-английски. Второе понятие-это язык, на котором знаки языка, на котором говорят с англичанами, являются остальными. В заключение пишутся факторы и причины, приводящие к процессу ассимиляции слов из одного языка в другой, и более десятка факторов, вызывающих их, освещаются примерами.

Ключевые слова: заимствование слова, источник заимствования, происхождение заимствования, ассимиляция, лексический фонд, семантическое поле, калка, полукалка, экотизм, композиция, рецептор язык.

Abstract. The article describes the process of borrowing of words from the Eastern languages into the English language, the history of their assimilation, the lexical-semantic changes that occurred among them, the views on how the English language was subjected to many changes. The article also describes the views and comments of scientists on the term of borrowing words in linguistics. In the English Dictionary, it is written from the Eastern Languages (Persian, Arabic, etc.) the words of Origin also make up quite a part. First of all, in the article we have outlined our considerations about the need to take two concepts differently: "source of self-realization" and "origin of self-realization". The first concept is the language in which this word is spoken in English. The second concept is the language in which the signs of the language spoken to the English are the rest. In a conclusion part, the factors and reasons that lead to the process of assimilation of words from one language to another are written, and more than a dozen factors that cause them are illuminated by examples.

Keywords: borrowed words, the source of borrowing, the origin of borrowing, borrowing, lexical fund, semantic field, kalka, semi-kalka, ecotism, composition, receptor language.

Кириш. Дунёдаги бошқа бирорта тил йўқки, бошқа тилдан сўз олиш, сўз ўзлаштириш жихатидан инглиз тилидек сирли жихатга эга бўлса. Агар кимдир инглиз тилини билмасдан француз, италян, лотин ёки испан тилини биладиган бўлса инглиз тилида гаплашаётган одамни кўрса ёки инглизча мусика эшитадиган бўлса ёки бўлмаса, инглизча китобни варақлаб кўрадиган бўлса, инглиз тилининг анча катта қисмини тушунади деб бемалол айтишимиз мумкин. Инглиз тили дунёдаги деярли ҳамма тилдан сўз олган энг кенг қамровли луғатга эга бўлган тиллардан биридир.

Баъзи бир тадқиқотчилар ўзлашмаларнинг ташқи белгиларини аниқлашга ҳам муваффақ бўлганлар. Масалан, таниқли олим Д.С.Лотте бу каби белгиларнинг олтитасини келтириб ўтган:

1. Фонетик. Бошқа тилдан кириб келган сўзнинг реципиент тилига хос бўлмаган талаффуз характерли хусусиятлари билан ўзлашиши. Масалан: бюджет, джоул, демпинг, коррупция ва ҳ.к.;
2. График.: Реципиент тил учун характерли бўлмаган ҳарф ва ҳарф бирикмаларнинг қўлланилиши: варрант, франшиза, экспанеция ва ҳ.к.;
3. Морфологик. Реципиент тилнинг адабий тил нормаларидан четлашиш кузатилиши ҳолатлари: Авизо, жюри; атташе; а темрова ҳ.к.;
4. Ўзлашма сўзларнинг сўз ясалиши белгилари бир қатор аффиксларни ташкил қилади: облигация, опсион, трассант ва ҳок.
5. Синтактик. Бу реципиент тилга характерли бўлмаган сўз бирикмалари моделларининг ўзлашиб келиши: Ишончли вакил номига чек, фоизга фоиз ва ҳ.к.
6. Семантик. Бу ўзлашма сўзга тегишли бўлган контекстнинг спецификлиги ва тематиклиги ҳисобланади: конкуренция (лот.), коносамент (фр.), фаза (гр.)(10, 111) ва ҳ.к.

Ўзлашма сўзларнинг қандай қилиб кириб келиши ҳақидаги масала кўриб чиқиладиган бўлса, бу борада жуда қизиқарли маълумотлар аниқланди:

1.Бевосита. Инглиз тилидаги сўзлар бирон тилда аслий формасида қўлланилади: “Дада, мани мани беринг!” Яъни бу мисолда пул назарда тутилган.

2.Гибридлар.: Бу ҳолат ўзлашманинг реципиент тилдаги бирон бирлик билан тўлдирилишини англатади: “Фейсбукда дўстим менинг расмимни лайк қилибди”.

Бу ерда “лайк қилмоқ” сўз бирикмаси инглиз тилидаги ёқтирмақ феълининг ўзбек тилида отлашиб ўзбек тилидаги феълдан кўмакчи сифатида фойдаланиши натижасида юзага келган.

3.Калька.:

Бу каби сўзлар реципиент тилдаги фонетик, грамматик фон билан бутунлай мослашиб кетган бўлади: парол, вирус, диск, меню, клуб –

4.Ярим калька.: Ўзлашманинг реципиент тилнинг грамматик меъёрлари билан мослашуви: Ҳали бунақанги драйвни кўрмаган эканман

5.Экзотизмлар.: Донор тилда сўзлашувчи миллат вакилларининг миллий анъана ва қадриятлар билан боғлиқ ўзлашмалар гуруҳи бўлиб, реципиент тилда уларни атаб келувчи лексик номловчи эквивалентнинг йўқлиги сабабли юзага келади: чизбургер, хот-дог.

6. Бошқа тилга хос паракинемалар, экспрессив ва эмоционалликни ифодаловчи тил воситалари: Ok, Wow.

7. Композитлар.: Икки хил ўзлашмаларнинг бирикиб келиши: видеосалон ёки секонд-хенд.

8. Жаргонлар:

Бундай ҳолатда ўзлашмалар донор тилдаги муайян сўз ва реципиент тилдаги маълум бир сўз таркибидаги товушларнинг бирикиши натижасида юзага

келади: селфичилар, вацаплашмоқ ва ҳ.к. сўзларнинг қўлланилиши доираси етарли даражада тор ва ассимиляция даражаси ҳам ниҳоятда паст.

Асосий қисм. Ўзлашган сўзлиги деярли сезилмай қолган, инглиз тили стандартларига максимал мослашиб кетган ўзлашмалар гуруҳи, тўлиқ ассимиляциялашган сўзлар. Вақт ўтиши билан ва рецепиент тилниги грамматик ва семантик фони таъсирида турли лисоний манбалардан ўзлашган сўзларни ўзлашма сифатида қўллаётган миллат вакиллари автоматик равишда бу сўзни аслий сўз сифатида қўллай бошлайдилар. Бу каби сўзларга скандинав тилидан кириб келган таке феъл туркуми, лотин тилидан валл, француз тилидан табле ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади.

М.А.Брейтер ўзлашув жараёнининг юз беришига қуйидаги сабабларни аниқлаган:

1. Рецептор тилнинг когнитив базасида муайян тушунчани атаб келувчи лексик номинаторнинг мавжуд бўлмаганлиги:

аудиокитоб, органайзер, холстер, таймер, бипер, скремблерва ҳок.

2. Рецептор тилда сўзлашувчи муҳитда англашилган тушунчани атаб келувчи (аниқроқ) эквивалентнинг тушунча муҳитга кенг тарқалмаганлиги сабабли мавжуд эмаслиги:

детектор (валюта), топ-модел, инвестор, дайджест.

3. Стилистик (эмфатик) эффектнинг таъминланиши.

Эмфатик функция тиллараро мазмунни боғлаб турувчи омофонлар воситасида ҳам ифодаланиши мумкин:

vinar - win up

4. Рецептор тилда эквиваленти мавжуд бўлмаган позитив ёки негатив коннотацияли бирикмалар. Масалан, рекламаларда ўзлашмалар позитив коннотацияларни актуаллаштириш учун қўлланилади. Мисол учун:

Ўзлашмаларнинг айримлари нафақат ўзининг тўғридан тўғри маъносида, балки кўчма, яъни метафорик маънода ҳам келиши мумкин:

телевизион марафон, иқтисодиёт реанимацияси, сиёсий бомонд, ҳақиқатни чоп этиш рейтинги.¹

А.А.Брагина, О.С.Мжельская, Э.И.Степанова, И.Фомин, Г.Н.Скляревская ва бошқаларнинг фикр юритишига кўра бошқа тил лексикасининг ўзлашиш жараёни халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқа, муносабатлар таъсирида бир-бирига нисбатан реалия, янги тушунча ва колоритларни атаб келиниши натижасида юзага келади.

Бундан ташқари, айти пайтда кўплаб филологларнинг (О.Н.Трубачёв, Н.А. Ревенская, А.А.Региня ва б.) қайд этишларича, газеталар ҳам ҳаддан зиёд хорижий тилдаги сўзлар билан бойитилаётган бўлиб, оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилаётган ўзлашма терминлар (бозор–маркетинг, баҳолаш - рейтинг) ва бошқа ўзлашма лексик бирликларнинг ҳаддан зиёд кўп қўлланилишига қарши курашишга зарурият бор.²

Л.П.Крисин, Л.А.Нестерская, С.С.Изюмская, Э.А.Майзенберг каби тадқиқотчилар эса юқоридаги олимларнинг қарашларига қарши бориб, ўзлашма сўзларнинг катта оқими ва активлашувига салбий тенденция сифатида қараш мумкинмаслигини, аксинча, бу каби лексемалар реципиент тилнинг бойитилиш имконини беришини таъкидлашган.

Қадимги ўзбек тилшуноси Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғотут турк” асарида ва Алишер Навоий ўзининг “Муҳокаматул луғатайн” асарида ҳар бир тил бошқа тиллар билан ўзаро алоқада бўлиши ҳақида ёзар экан, соф бир тилни топшиш жуда қийин эканлигини, бир тилдан иккинчи тилга жуда кўп сўзлар ўзлашиб қолиб, йиллар ўтиб, ўша тилнинг ўзининг миллий тилидек бўлиб қолиши ҳақида ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девонул луғотут турк” асарида туркий тилдаги сўзларнинг арабча маъносини ҳам беради. Араб тилидан жуда кўп сўзлар ўтганлигига гувоҳлик беради. Чунки Араб халифалигининг кенгайиши ва Ўрта Осиёга VII асрда Ислом динининг кириб келиши натижасида дин

¹ Брейтер М. А. Англицизмы в русском языке: история и перспективы. -Владивосток. 1997. – с. 33.

² Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. - М., 2001. –с. 111.

воситасида ҳам жуда кўп сўзлар кириб келганлигига гувоҳлик бериб ўтади.³ Шундай буюк тарихий шароитда – Ислом динининг кенгайиши натижасида бутун дунёга илм-фан уруғлари айнан Ислом динининг ақидалари орқали тарқала бошланди. Ўрта асрларда биринчи бўлиб эътироф этилган илк уйғониш даври ҳам айнан Шарқда – Ўрта Осиёда IX-XII асрларда пайдо бўлди. Айнан шу даврларда Хоразмда Хоразм Маъмун Академияси ташкил топди. Ушбу академияда ўз даврининг етук олиму фузалолари етишиб чиқди. Улар Қадимги Афина Фанлар Академиясининг давомчилари эдилар. Айнан ўша олимлар турли хил назарияларни ҳам исботлаб бердилар, қадимги олимларнинг исбот талаб қилган асарларига шарҳлар ёздилар. Бу асарларнинг ҳаммаси ўша пайтдаги илм-фан тили саналган араб тилида ёзилган, бутун дунё халқлари тилларига ҳам айнан араб тили орқали кириб борган эди. Шу тариқа дунё тиллари луғат таркибига янгидан янги сўзлар кириб борди. Чунки янги тушунчаларни ифодалашда ҳали ўша пайтдаги илм-фан тили – араб тилидан фойдаланилар эди. Уларга мисол қилиб, “алгебра”, “алгоритм”, “мадади сино”, “устурлоб”, “алкимё” каби сўзларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ўрта асрларда Шарқ тиллари жуда кенгайиб борди. Бунга қатор сабабларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Биринчидан, VII асрда Ислом динининг вужудга келиши ва бунинг натижасида араб тилининг бутун дунё бўйича кенг тарқалиб бориши;

иккинчидан, Ўрта асрларда Мусулмон Шарқда янги бир қудратли давлат – Араб халифалигининг вужудга келиши ва унинг таъсир доирасининг янада ортиб бориши;

учинчидан, Араб халифалигининг пойтахти бўлмиш Бағдодда йирик олийгоҳга – “Дорул ҳикма ва маъориф”га асос солиниши орқали илм-фан ўчоғининг яратилиши араб тилининг халқаро илм-фан ва маданиятлараро мулоқот тилига айланишига олиб келди.

³ Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. –Тошкент. Янги аср авлоди, 2009. -264б

Шу билан биргаликда, Ўрта ер денгизини Сарик денгизи билан боғлайдиган Буюк ипак йўли ҳам Осиё ва Европа тиллари ўртасидаги тил ва маданий алоқаларнинг кенгайишига олиб келди. Йиллар ўтиб инглиз тилида, яъни биз айтишимиз мумкинки, замонавий инглиз тилида бир қатор **ўзлашган сўзлар** пайдо бўлди. Бу сўзларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.⁴

Ж.Ж.Смис инглиз тилига ўзлашма сўзларнинг кириб келиши ҳақида қуйидагича таъкидлайди: “Бошқа тиллардан инглиз тилига ўзлашма сўзларнинг кириб келишининг асосий манбаси Европаликлар ва улар савдо тижорат мақсадида йўлларида учратган Шарқликлар билан мулоқот қилиш натижасидир”.

Яна бир инглиз олими Р.Л. Траск эса инглиз тилига ўзлашма сўзларнинг кириб келиши ҳақида қуйидагича таъкидлайди: “Инглиз тили жуда кўп тиллардан минглаб, ҳаттоки айтишимиз мумкинки, бир неча минглаб сўзларни “қарз олган” ва бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда”.

Замонавий инглиз тилидаги ўзлашган сўзларнинг асосий қисми тўқимачилик саноатига ҳам боғлиқдир:

Басан – (қўй териси қуёшда товланиб эман дарахтига ёпиштирилган мато тури);

Бурдет (пахта матосининг тури);

Камес (Араблар томонидан ёки бошқа Муҳаммад (с.а.в.) издошлари томонидан кийилган кўйлак, арабчасига қамис);

Фезар (Мусулмон аёлларининг ташқи кийими бўлиб, узун кўринишга эга бўлган ва бутун танани қоплаб турган);

Яшмак (Мусулмона аёллари томонидан кийилган, юзни беркитиб турган ўзига хос рўмолдир).⁵

Адмирал сўзи инглиз тилида Ўрта инглиз тили даврида пайдо бўлган, ушбу сўзда араб тилидаги артикль охириги бўғинда учрайди: ушбу сўз амир-

⁴ Усмонов С. “Умумий тилшунослик” Тошкент “Ўқитувчи” 1972. 126 б.

⁵ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -М, -Л.: 1974. с.180

ал-бахр – “денгиз хўжайини, денгиз бошлиғи” сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган.

Alcohol (ал-куҳл, куҳл сўзи кўзга суртиладиган сурма кукуни) кейинчалик ўзининг замонавий маъносини умумийлаштириб умумий маънодаги кукун, руҳият, вино алкоголи, кейинчалик эса руҳиятга таъсир қиладиган ичимлик маъносига эга бўлди. Ҳозирги кунда бу сўз бутун дунёда кенг тарқалган сўзлардан биридир. Спиртли, яъни киши руҳиятини маълум тарзда бошқа тарафга ўзгартирадиган, уни издан чиқарадиган, кишини маст қиладиган ичимликларга нисбатан айнан шу атама қўлланила бошланди.

Араб тилидан инглиз тилига ўзлашган сўзлар қаторига ал артиклисиз ҳам бир неча сўзлар ўзлашган. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Ассассин, салибер, карат, каравей, факир, гарбл, жирафа, ҳарем, ҳашиш, ҳена, жин(ушбу сўзнинг кўплик шакли жинни), лимон, магазине(ушбу сўзнинг кўплик шакли араб тилида дўкон маъносини билдиради), минарет, моҳер, шербет ва тариф сўзлари.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзлашма сўзларнинг рецептор тилнинг лексик ва коммуникатив фонига бирикиши, ассимиляцияси даражасини инобатга олиб, таснифлаган ва тадқиқ қилган лингвист олимлар ўзлашмаларни рецептор тилнинг лексик қатламининг бир қисми сифатида қабул қилиш тарафдори бўлиб келишган. Лекин, ўзлашма сўзларни уларни стилистик ва экспрессив бўёқдорлик даражасига кўра таснифлашни маъқул кўрган тилшунослар эса уларни чекланган тармоқлардагина қўлланилиши мумкинлигини аниқлашган.

Ҳар қандай тилнинг лексикаси бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ҳисобига ҳам бойиб боради. Аниқ тарихий давр учун бу табиий ҳол бўлиб, унинг оқимини назорат қилишнинг, чеклашнинг ҳам иложи йўқ. Илм фан ва техниканинг ривожланиши, турли йўналишлардаги халқаро муносабатлар тилга янги сўзларнинг оқиб келишига замин яратади.

Кундалик сўзлашув услуби сезиларли даражада ўзлашма сўзларнинг оқимига учрамайди, бу турдаги сўзлар биринчи навбатда, адабий нутқ, публицистик материал матнларида учрайди. Ўзлашув жараёни бу нафақат реципиент тилнинг лексикаси бойиши, балки бошқа тилга хос воқеълик ёки муносабатнинг реципиент тилга ҳам сингишидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования: Учебное пособие по спетскурсу. — Перм: Перм. Гос. Ун-т, 1998. — 119 с.
2. Апресян Я.Д., Медникова Е.М. и др. Новый большой англо-русский словарь: в 3-х т. — М.: Рус.яз., 1993. — 2496 с.
3. Аристова В.М. Англо-русские языковые контакты (англицизмий в русском языке): статья/ — Л.. - 1978. — С. 46.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М.: Советская Энциклопедия, 1966. — 608 с.
5. Брейтер М. А. Англицизмы в русском языке: история и перспективы. — Владивосток. 1997. — 156 с.
6. Головенкова Е.В. Употребление заимствованной лексики: за и против // Иностранные языки в контексте межкультурной коммуникации: Материалы докладов V Международной Интернет-конференции «Иностранные языки в контексте межкультурной коммуникации» (20-22 феврал, 2012 й.). -Саратов , 2012. - с. 19.
7. Жеймс Ш., Нилсен Ф. Банковское дело: Словарь: Пер. с англ. — М.: Инфра-М, 2001. — 412 с.
8. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. — Тошкент. Янги аср авлоди, 2009. — 264 б